# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI SAMARQAND SHAHAR HOKIMINING QARORI

140100, Samarqand sh. Abdurahmon Jomiy ko'chasi 59 uy, tel, faks: (0 366)2332496, e-mail: samarqand.sh@exat.uz


2021-yil 04- fevral 77-Q -son Samarqand sh.

**Қурилиш учун танланган ер майдони далолатномасини тасдиқлаш ҳамда қурилишга рухсат бериш тўғрисида**

Самарқанд Давлат университети ректори Р.Халмурадов томонидан “Университет учун 1500 ўринга мўлжалланган рақамли технологиялар факультети ва 250 ўринга мўлжалланган ахборот ресурс маркази биносини ҳамда Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 70 ўринга мўлжалланган хорижий ўқитувчи ва талабалар турар-жой биносини ва 300 ўринга мўлжалланган маҳаллий талабалар турар-жойи биносини қуришга рухсат бериш”ни сўраб, шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Самарқанд Давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 571-сонли қарори ижроси доирасида Самарқанд шаҳар бош архитектори томонидан тайёрланган ва мутасадди идоралар томонидан келишилган шаҳар ҳокимлиги ер комиссиясининг 18.01.2021 йилдаги 03-сонли “Қурилиш учун танланган ер майдони далолатномаси”ни, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти Илмий-эксперт Кенгашининг 17.12.2020 йилдаги 34-сонли йиғилиш баёнини ва 28.12.2020 йилдаги 01-02 ФЖ/961-рақамли, Самарқанд вилояти маданий мерос бошқармасининг 11.01.2021 йилдаги 01-02/02-рақамли, шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлимининг 01.02.2021 йилдаги 314-сонли, шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг 29.01.2021 йилдаги 01-6-сонли, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 03.02.2021 йилдаги 78-сонли, шаҳар қурилиш бўлимининг 04.02.2021 йил 145-сонли хулосаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 26-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ер комиссиясининг 2021 йил 18 январдаги 03-сонли “Қурилиш учун танланган ер майдони далолатномаси” тасдиқлансин.

2. Самарқанд Давлат университети (Р.Халмуродов)га Самарқанд шаҳар Университет хиёбони 15-уй манзилида жойлашган, университет фойдаланишидаги 5,35 га. ер майдони ҳисобидан, умумий баландлиги 12 (ўн икки) метрдан ошмаган 4 та 3 (уч) қаватли биноларни, яъни, 1500 ўринга мўлжалланган рақамли технологиялар факультети биносини, 250 ўринга мўлжалланган "Ахборот ресурс маркази" биносини ҳамда Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 70 ўринга мўлжалланган хорижий ўқитувчи ва талабалар турар-жой биносини ва 300 ўринга мўлжалланган маҳаллий талабалар турар-жой биносини қуришга рухсат берилсин.

3. Самарқанд Давлат университети (Р.Халмуродов) зиммасига:

- қурилиш ишлари бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқилган лойиҳани вилоят қурилиш Бош бошқармаси ҳузуридаги "Архитектура-шаҳарсозлик Кенгаши" ҳамда шаҳар ва вилоят Бош архитекторлари, шаҳар СЭОМ, шаҳар ФВБ билан келишиш;

- қурилиш ишларини бошлашни қатъиян қурилиш объекти лойиҳасини Давлат экспертизасидан ўтказиб, қурилиш объекти бўйича ўрнатилган тартибда Самарқанд вилояти қурилиш соҳасида назорат инспекциясини хабардор қилгандан сўнг амалга ошириш;

- қурилиш ишларини қатъий Маданий мерос департаменти Илмий-эксперт Кенгашининг 17.12.2020 йилдаги 34-сонли йиғилиш баённини ва 28.12.2020 йилдаги 01-02 ФЖ/961-рақамли хати билан кўрсатиб ўтилган талаб асосида амалга оширилишини таъминлаш;

- қурилиш ишлари якунланиши билан ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориб, объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилишини ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қошидаги хўжалик ҳисобидаги "Капитал қурилиш Дирекцияси" Давлат корхонаси (Б.Нормуродов), шаҳар қурилиш бўлими (Ш.Джумаев)ларга вилоят маданий мерос бошқармаси билан келишилган ҳолда қурилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари бўйича олиб борилишини доимий назорат қилиб бориш, лойиҳадан чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли таъсир чораларини қўллаш вазифалари юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Олимов зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими в.в.б** **А. Эгамов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND SHAHAR HOKIMLIGI
DEVONXONA

ЕР ТАНЛОВ ДАЛОЛАТНОМАСИ
«18» 01 2021 № 3

# КУРИЛИШ УЧУН ТАНЛАНГАН ЕР МАЙДОНИ
# Д А Л О Л А Т Н О М А

« » _____________ 2021 йил Самарқанд шаҳар

**Комиссия аъзолари:**

| | |
|---|---|
| Р.Олимов | -комиссия раиси. шахар хокимининг уринбосари |
| Ш.Джумаев | -шахар бош архитектори |
| Ш.Файзуллоев | -Самарканд шахар ФВБ ЁХБ бошлиғи |
| А.Турдиев | -Самарқанд шахар СОМ бош врачи |
| Ж.Зугуров | - «Сув таъминот» МЧЖ Самарқанд шаҳар филиали бошлиги |
| К.Окилов | -шахар электр тармоклар бошлиги |
| Ш.Усмонов | -“Ҳудудгаз” Самарқанд шаҳар филиали |
| Н.Эшназаров | -УзТелеком АК |
| Ш.Насимов | -шахар хокимлиги хузуридаги “Мароқанд Обод”ДУК рахбари |
| Х.Абжалов | -шахар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри ДК бошлиғи. |
| Самарқанд Давлат Университети | -буюртмачи: |

**Келишилди:**

| | |
|---|---|
| Д.Ачилов | -вилоят экология ва атроф-мухитни мухофаза килиш бошкармаси |
| Х.Мирзаев | -Вилоят Бош архитектори. |
| Ҳудудий жойлашувига асосан | -маҳалла фуқаролар йиғини раиси |
| Б.Шайматов | -Вилоят Маданий мерос бошқармаси бошлиғи |

**Максади:** Самарқанд Давлат Университети фойдаланишидаги ер майдони ҳисобидан қўшимча 4 (тўрт) та 3 (уч) қаватли бинолар куриш;
1. 1500 ўринли “Рақамли технологиялар факультети”
2. 250 ўринли “Ахборот ресурс маркази”
3. 400 ўринли “Талабалар турар-жойи”
4. 70 ўринли “Хорижий ўқитувчи ва талабалар учун турар-жой”
*(Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги Маданий мерос Департаментининг 2020 йил 28 декабрдаги 01-20ФЖ/961 сонли хулосасига биноан қурилиши режалаштирилган биноларнинг баландлиги ер сатҳидан парапетгача 3 қаватли 12 метрдан ошмаган ҳолда лойиҳа таклифи маъқулланган)*

Манзил: Самарқанд шаҳар Университет ҳиёбони 15-уй

Майдони: Кадастр ҳужжатларига биноан жами ер майдони 5,35 га.

**Ер майдони чегаралари:**

Шимолдан - Топосурат асосида
Шаркдан - Топосурат асосида
Ғарбдан - Топосурат асосида
Жанубдан - Топосурат асосида

**Ер жойлашган худуд хакида маълумотлар;** Самарканд шахар Университет хиёбони 15-уй

Ер ости сувлари жойлашган чукурлик -20-30 м.

| | |
|---|---|
| Мухандислик тармоклари | -мухандислик тармоклари корхоналари хулосасига бино |
| Илова: | -топосурат М 1:2000, мавжуд бўлган пландан кўчирма |

Бириктириш бўйича танланган ер майдони санитария эпидомиологик ва ИИБ ЁХБ, талабларига жавоб беради ва ушбу далолатномани тасдиқлаб борилишини Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан сўралсин

**Комиссия раиси:**

Р.ОЛИМОВ ____________________

**Комиссия аъзолари:**

Ш.ДЖУМАЕВ ____________________

Ш.ФАЙЗУЛЛОЕВ ____________________

А.ТУРДИЕВ ____________________

При условии переноса водопроводных сетей

Ж.ЗУГУРОВ ____________________

При попадании в зону стр-ва ЛЭП-10-6-0,4кВ произвести их вынос. При стр-ве соблюдать охранную зону от ВЛ-10м от КЛ-1м от ТП-5м

К.ОКИЛОВ ____________________

Ш.УСМОНОВ ____________________

Вазирлар Ма... 15 майдаги 210-сон ... 1998 йил ... ЛИНИЯЛАРИ ВА ... ЕКОММУНИКАЦИЯ ... РИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ...га ... химоя зона сақлаш шарти билан
1. Алоқа тармоғи мавжуд худудларда иш олиб борилишида «Ўзбектелеком» АК Самарқанд филиали ходим жалб этилиши;
2. Қуриладиган бинога тармоқ киритилиши лойихада назарда тутилиши;
Контакт рақам: 66 240-00-05, 66 231-02-39, 66 234-22-99

Н.ЭШНАЗАРОВ ____________________

Ш.НАСИМОВ ____________________

Х.АБЖАЛОВ ____________________

СамГУ ____________________

**Келишилди :**

SAMARQAND VILOYAT QURILISH BOSH BOSHQARMASI
KELISHILDI
VILOYAT BOSH ARXITEKTORI

Д.АЧИЛОВ ____________________

Х.МИРЗАЕВ ____________________ 20__ йил

Б.ШАЙМАТОВ ____________________

Ушбу мавсифнома 3 ой муддатда келишилмаса бекор деб хисоблансин